

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМБЕТАЛИЕВ ҚАЙРАТ АНАРБАЙЕВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ШЕЪРИЯТИДА ШАКЛИЙ-  
УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА ПОЭТИК СИНТЕЛИЗАЦИЯ  
ҲОДИСАСИ**

(Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Гўзал Бегим, Есенғали Равшан, Иран Ғайиб,  
Айгерим Тажи)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctoral dissertation (PhD) in  
philology sciences**

**Мамбеталиев Қайрат Анарбайевич**

Замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шаклий-услубий изланишлар ва  
поэтик синтелизация ҳодисаси..... 5

**Мамбеталиев Қайрат Анарбаевич**

Формо-стилистические изыскания и явление поэтической синтезиляции в  
современной узбекской и казахской поэзии..... 25

**Mambetaliev Kairat Anarbaevich**

Form-stylistic research and the phenomenon of poetic synthelization in modern  
uzbek and kazakh poetry..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 52**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМБЕТАЛИЕВ ҚАЙРАТ АНАРБАЙЕВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ШЕЪРИЯТИДА ШАКЛИЙ-  
УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА ПОЭТИК СИНТЕЛИЗАЦИЯ  
ҲОДИСАСИ**

(Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Гўзал Бегим, Есенғали Равшан, Иран Ғайиб,  
Айгерим Тажи)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fil2574 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (jspi.uz)да ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ботирова Шахло Исамиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**З.Д.Дўсимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фил.ф.д., профессор

**С.М.Сариев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фил.ф.н., доцент

**А.Д.Ўрозбоев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, фил.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асар поэтикаси, хусусан, шеърятнинг мавзундарижасини ҳар томонлама теран тадқиқ қилиш борасида катта изланишлар олиб борилган. Хусусан, адабий таъсирдан ижодий ўзига хослик сари олиб боровчи поэтик синтелизация ҳодисаси муайян бир давр учунгина муҳим эмас. Шунини қайд этиш лозимки, ҳар қандай санъат асарининг бир халқдан бошқа бир халқ руҳиятига ўтиб туриши ва муштарак хусусиятлари адабиётшунослик илмининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келган. Айнан тирикликнинг жумбоғи, онг ва туйғу нисбати, идрок сарчашмаларида эволюцион такомил XX асрдаги каби катта ўзгаришга юз бурган эмас. Мана шу жиҳатларга ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш, ижод ва шеър руҳиятида кечадиган эстетик қамровни теран илғаш бугунги адабиётшуносликнинг муҳим муаммоларидан бири саналади.

Дунё адабиётшунослигида образли тафаккур муайян бир ҳудуд, макон ва замон чегараларида содир бўлмаслиги ўз илмий исботини топган ҳақиқатлардан биридир. Қалб ҳароратидан пишиб етилган туйғулар силсиласи бошқа бир халқ кайфиятига ҳамоҳанг ёки тафовутли бўлиши мумкин. Бироқ айнанлик поэтологик бирликлар семасида мавжуд олам ва одам сир-синоатини, Яратганни англашга интилиш каби умуминсоний масалалар ўз долзарбилигини ҳамиша сақлаб қолмоқда. Шоир ва шеър, шахс ва руҳ бирлиги, халқлар ўртасидаги доимий адабий-маданий алоқалар давомийлиги ўзаро ҳамжиҳатлик белгилари поэтик назм танловида муҳим атрибутлардан бири ҳисобланади. Мана шу ўткир фалсафани унутмаган ҳолда ўзбек ва қозоқ шеърятларидаги поэтик талқин қамрови жаҳон адабиёти назми бўстонидан маълум маънода илдиз отгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Поэтик синтелизация ва услубий муштаракликни англаш ҳамда уни талқин қилиш маданий турмуш тарзимизнинг инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш йўлида катта замин яратмоқда.

Жорий ўзбек ва қозоқ шеърятларида шаклий-услубий изланишлар синтелизация ҳодисаси туркий халқлар бирдамлиги ва фольклор аънаналарига бориб туташувини ёдда тутмоқ жоиз. Мифологик қатлам ва поэтик талқин қоришувида шеърӣ жанрлар хилма-хиллашуви рангинлашди. Жаҳон адабиёти дурдоналарининг ҳам ҳар иккала халқ адабиётига қисқа туташуви ифода маданиятини кескин ўзгаришига етаклади. Зеро, “Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда”<sup>1</sup> экан, ўзбек ва қозоқ шеърятлари поэтикасида муштарак ва тафовут жиҳатларни назарий-илмий асосда аниқлаш, жанрлар турфалигини далолатлаш ҳамда кечинма, образ, воқелик, тасвир ва талқин қамровидаги

<sup>1</sup> “Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли”. Президент Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2019, 22 октябрь.

узил-кесил ўзгаришларни аниқлаштириш адабиётшуносликнинг муҳим муаммолари сирасига киради. Негаки, ҳар қандай шеър субъектив пафосдан яраллади. Уларни бирлаштириб турадиган умумий ва хусусий жиҳатлар муаммо кесимида юзага келадиган масалаларга ойдинлик киритишга асос бўлади. Зотан, ўзбек ва қозоқ адабиётининг поэтик тақомилида шеърят алоҳида маданий-сиёсий жабҳада бирлаштирувчи оҳанг эканлиги мавзу долзарблигини далолатлайди.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида шеърини нутқ ва поэтик маҳорат яратиш муаммоси дастлаб юнон файласуфлари Платон ва Аристотелнинг назарий қарашларида махсус тадқиқ қилинган бўлса, Ғарбий Европанинг Квинт Гориций Флакк, Иммануил Кант, Георг Вильгельм Фридрих Гегель, Мартин Хайдеггер<sup>2</sup> сингари олимлари муаммони фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этишган. Кейинчалик Л.Тимофеев, Ю.М.Лотман, Г.Поспелов каби рус адабиётшуносларининг тадқиқотларида лирика поэтикасига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ўзбек адабиётшунослигида образли нутқнинг шеърини шакли ва унинг ўзига хос поэтик хусусиятлари И.Султон, Ё.Исоқов, А.Ҳайитметов, Ҳ.Умурув, Д.Курунов, Б.Каримов, И.Ғаниев, У.Жўрақулов, Қ.Йўлчиев,

---

<sup>2</sup> Квинт Горація Флакк / Курунов Д., Раҳмонов Д. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очекрлари. – Тошкент: Фан, 2008.; Кант, Иммануил. Критика способности суждения. – Москва: Искусство, 1994; Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан Маҳмуд Абдуллаев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2011.

Г.Умурова каби адабий мунақидларнинг тадқиқотларида муайян даражада ёритилган.<sup>3</sup> Хусусан, мазкур тадқиқотларда замонавий қозоқ ва ўзбек шеърлятида шаклий-услубий изланишлар ҳамда синтелизация ҳодисаси масаласига алоҳида монографик тарзда тўхталиб ўтилмаган. Жаҳон ва туркий халқлар контекстида, хусусан, ўзбек ва қозоқ мифопоэтик тафаккур, фалсафий-эстетик танлов контекстида мавзуни тадқиқ этиш зарурати мазкур тадқиқот ишининг мавзусини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Янги ўзбек адабиёти ва адабий танқид» (2020-2022) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шаклий-услубий изланишлар ҳамда синтелизация ҳодисаси муаммосини Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Ўлжас Сулаймон, Гўзал Бегим, Есенғали Равшан, Иран Ғайиб, Айгерим Тажи каби ижодкорларнинг шакл, мазмун, услуб, образ, характер, сюжет ва композиция яратишдаги муштараклиги, адабий ўзига хослиги, муаллиф позицияси, маҳорати табиатини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон адабиётидан озиқланган анъана ва ижодий изланишлар поэтик тақомилани замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шакл, услуб ва унинг

---

<sup>3</sup> Никитин М. В. Курс лингвистической семантики. СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007. – 819 с.; Germania topochrono stemmata grafica sacra et profana Gabrieli Bucelini, Ulmate, 1655 / <http://www.collecta.fr/p/col-ouv-03075>. [www.books.google.co.uz](http://www.books.google.co.uz). 2021 й.12.02. кун соат 13.30. ташриф буюрилган. Тимофеев Л.И. Проблемы теории литературы. – Москва: Учебно-педагогическое издательство, 1955; Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998; Пospelов Г.И. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1979; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан. 1983; Хализев В.Е. Теория литературы. Москва: Высшая школа, 1999; Гадамер Х. Истина и метод: Основы филос. герменевтики: Пер. с нем./Общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова.— М.: Прогресс, 1988; Теория литературы: В 2 т. / Под ред. Н. Д.Тамарченко. — Т. 1: Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. — М.: Издательский центр «Академия», 2004. Топоров В.Н. Пространство и текст. Текст: семантика и структура. М., 1983; Sulton, Izzat. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005; Ёкубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006; Ёкубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. жанр, Хронотоп. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015; Инг Ёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг қиёсий типологияси. Фил.фан. ... док. дис. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2014; Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017; Маслова А.Г. Поэтика времени и пространства в русской поэзии последней трети XVIII века. Автореф. диссерт ... док. фил. наук. – Киров. 2014; Милиев Сувонкул (Суvon Мели). Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси. Филология фанлари доктори (DSc.) диссертацияси. – Тошкент, 2020; Ни Н.И. Сиджо в системе жанров мировой лирики и традиций корейской национальной культуры. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Алматы. 1999; Қувватова Д.Ҳ. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. Фил.фан. док. диссертацияси. 2016; Ҳамдамов У.А. XX аср ўзбек шеърляти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филология фан. док. диссертацияси. 2016; Хурсандов Д.Б. Ҳозирги ўзбек шеърлятида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. б.фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Самарқанд, 2020; Шульдо И. А. Имплицитность как принцип текстообразования и анализа литературного текста (на материале испанских литературных памятников XII–XVII вв.). диссертация ... док. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016.

синтелизациясини ўзбек адабиётшунослигида юзага келаётган назарий қонун-қоидалар негизида умумлаштириш;

образ ва характер яратишда анъана ва новатор бирлигини антик юнон мифопоэтик унсур қирраларини ва жаҳон адабиётидан озиқланишини қиёсий талқин қилиш;

замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шаклий-услубий яхлитлик тақомилида сюжет ҳамда ғоя бирлигини давр ва замон тўлқинларида юзага келган ифода маданияти негизида тавсифлаш;

У.Ҳамдам, Ў.Сулаймон шеърларида давр руҳига унчалик мос келмайдиган янги инсон характерини кашф қилишда ўзига хос услубий муштараклигини далолатлаш;

лирик кечинма табиатида юзага келган онг ва туйғу модификациясининг замон ва макон чегараларидан холи эканлигини белгилаш;

образлар талқиний концепциясида ижодкор поэтик маҳоратининг муаллиф онгида кечаётган фалсафий-эстетик мушоҳада залворининг жаҳон адабий анъаналаридан таъсирланиш омилларини ойдинлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Ўлжас Сулаймон, Гўзал Бегим, Есенғали Равшан, Иран Ғайиб, Айгерим Тажи каби шоирларнинг шаклий-услубий изланишлари ҳамда муштараклигини биографик, қиёсий-типологик усулда ўрганиш белгиланди.

**Тадқиқот предметини** замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шаклий-услубий яхлитлик ҳодисаси синтези ва поэтик қонуният масаласини аниқлашда услуб, шакл, сюжет ва композиция бирлиги, адабий таъсир ҳамда ижодий ўзига хослик сингари ифода хусусиятларини, дунё адабиётшунослигида юзага келаётган талқин эстетикасини, муштарак ва алоҳидалик қирралари тайин этиш жараёни белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари** диссертацияни шакллантиришда структурал, биографик, қиёсий-типологик, герменевтик ва психологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётлида юзага келган даврий муаммоларнинг ўзбек ва қозоқ шеърлятига таъсири анъанавий ва ноанъанавий талқин методологиясини барқарорлаштириш ҳамда унинг катта стереотипик кечинмаларни тўлдиришга нисбатан муносабатини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

ўзбек ва қозоқ шеърляти мавзу муштараклиги ҳамда ғоявий-бадий бутунлик жиҳатидан яқинлиги бадий услубнинг муштараклиги ва шаклий трансформация яхлитлигини жаҳон шеърлятидан ўзлаштирилган адабий қанонларнинг тадрижий ривожланиш омилларини аниқлаштириш асосида далилланган;

шаклий-услубий талқин трансформациясида анъана ва ноанъана чегарасида эгзистенциал ғоя мувофиқлигига олиб борувчи адабий йўллар мутаносиблиги замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида сюжет ҳамда ғоя бирлигини давр ва замон тўлқинларида юзага келган шаклий-услубий яхлитлик тақомилини белгилаш орқали асосланган;

лирик кечинма табиатида зоҳирий белгилар ва образ яратиш маҳоратининг узвий такомил ҳар иккала халқ руҳиятида акс этган воқебанд шеър структурасида бадиий замон ва макон тушунчасининг юзага келишини далиллаш орқали асосланган;

замонавий ўзбек ва қозоқ шеърлятида шаклий-услубий модификация семантикасига таъсир кўрсатган адабий полотнолар образлар талқини концепциясида ижодкор поэтик маҳоратининг муаллиф онгида кечаётган ўзликни англаш манераси борасидаги жаҳон адабий анъаналаридан таъсирланиш орқали юзага келганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бадиий услубнинг муштараклиги ва шаклий трансформация яхлитлигини жаҳон шеърлятидан ўзлаштириш ва адабий таъсир доираси аниқлаштирилган;

образ ва характер яратишда анъана ва новатор бирлигини антик юнон мифопоэтик унсур қирраларини ва жаҳон адабиётидан озикланишини қиёсий таҳлил асосида далилланган;

воқебанд шеър структурасида бадиий замон ва макон тушунчасининг юзага келишини назарий жиҳатдан асосланган;

образлар талқиний концепциясида ижодкор поэтик маҳоратининг муаллиф онгида кечаётган фалсафий-эстетик мушоҳада залворининг жаҳон адабий анъаналаридан таъсирланиш омиллари ойдинлаштирилган.

педагогик олий таълим муассасалари қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари учун “Балалар эдебиети” ўқув қўлланма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** республикамиз ҳамда жаҳон олимларнинг илмий-назарий фикр ва қарашларига асослангани, нашр қилинган тезис ва мақолалар, илмий журналларда тадқиқотлар тегишли муассасалар томонидан тасдиқлангани, диссертация вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилгани, янги адабиётшунослик ва қиёсий адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилингани, диссертацияда илгари сурилган амалий таклиф, тавсия ҳамда хулосаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти таҳлилга тортилган адабий-бадиий, илмий-назарий манбалардан, изланишнинг якуний хулосалари сифатида тавсия этилган материаллардан ўзбек шеърляти, шоир маҳорати ва адабиёт назарияси масалалари ҳамда ўзбек ва қозоқ шеърлятига доир тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим тизимидаги “Янги ўзбек адабиёти”, “Туркий халқлар адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабиётшуносликка кириш” каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда ёрдамчи материал сифатида ҳамда ёзувчилар ижоди бўйича

алоҳида семинар ва махсус курсларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Замонавий ўзбек ва қозок шеърлятида шаклий-услубий изланишлар поэтик синтелизация ҳодисаси яхлитлиги ва ифодалаш шакллари тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

Ўзбек ва қозок шеърлятида шаклий-услубий трансформацион изланишлар давомийли жиҳатидан назарий қарашлари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси ва 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан амалга ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажариш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 17 январдаги 17.01/112-сон маълумотномаси). Натижада, ихтисослик фанларини ўқитиш, малака ошириш курслари, шунингдек, ўзбек ва қозок гуруҳларида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган;

Ўзбек ва қозок шеърлятининг поэтик синтелизация ҳодисаси такомиллида шаклланган индивидуал услубий хусусиятлари шеърлятни англаш ва ёшлар орасида китобхонлик маданиятининг шаклланишига, уларнинг маънавий оламини бойитиш ва дунёқарашини кенгайтириш бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” фундаментал илмий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг 2022 йил 24 майдаги 59/2-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида ёшлар орасида китобхонлик маданиятининг шаклланиш ва дунёқарашини кенгайтиришга замин яратган;

Ўзбек ва қозок шеърлятида асрлар давомида шаклланган жанр ички омилларининг юзага чиқишнинг тадрижий такомиллига оид назарий қарашлари ва илмий хулосалари “Балалар әдебиеті” ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-буйруғи, 233-0385-сон нашр рухсатномаси). Натижада, ихтисослик фанларини ўқитиш, малака ошириш курслари, шунингдек, ўзбек ва қозок гуруҳларида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробациялари.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та ДГУ, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбек ва қозоқ шеърлятида жаҳон адабий анъанларининг акс этиш тақомили”** деб номланган бўлиб, **“Услубнинг муштараклиги ва шакл яхлитлиги”** фаслида ХХ аср нафақат ўзбек ва қозоқ, балки дунё шеърлятида назмнинг мисли кўрилмаган ривожланиш ҳолатлари кузатилди. Миллий адабиётнинг асл илдизи халқ оғзаки ижодига бориб туташуви ҳамда фольклор анаъаналаридан озикланиши ҳар иккала халқнинг адабиётида мифопоэтик талқин тақомилини янгича руҳда ифодалашга катта замин яратди. Бу ерда жаҳон адабиётининг ёрқин ифода усуллари ҳам катта таъсир кўрсатди. Француз, инглиз, испан, италян, немис ва рус шоирларининг поэтик изланишлари ўзбек ва қозоқ шеърлятида ҳам катта из қолдирганлиги асосланди.

Туркий халқларнинг азал-азалдан санъат ва маданияти, урф-одатлари ўзаро уйғун ҳолда ривожланиб келган. Хусусан, халқ оғзаки ижоди жанрлари ва эпос табиатидаги узил-кесил ўзгаришлар, ҳамда жаҳон шеърлятининг ҳар иккала халқ шеърлятига таъсири масала моҳиятини янада жипслаштиради. Негаки, шаклий-услубий изланишлар поэтик яхлитлиги худди бир дарахт номдалари каби ўхшашдир. ХХ аср ибтидосида жаҳон шеърлятининг ҳар иккала халқ адабиётига кириб келиши ҳамда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барқарорлашуви шеърлятни ҳам тубдан янгиланишига кенг йўл очиб берди. Маърифатпарвар мумтоз шоирлар ижодидан баҳра олган ижодкорлар шакл ва мазмунда катта янгилик ясадилар.

Барчага маълумки, туркий халқлар шеърляти ҳақида сўз борганда, аввало, бир-бирига монанд ҳар бир халқ адабиётининг умумий ва хусусий жиҳатларидан озикланиш, ижодкорлар томонидан яратилган бадиият

дурдоналарининг келиб чиқиш илдизлари ўзига хос ва адабий таъсир доираси ҳам муҳим аҳамият касб этиши назарда тутилади. Азал-азалдан халқ дostonлари, уларнинг яратилиш тарихи, келиб чиқиш йўсинлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, бир адабий ҳаёт саҳнасида кечувчи руҳий-фалсафий идрок ҳамиша ўзининг кечинма табиатини намоён қилиши айни ҳақиқатдир. Ўзбек ва қозоқ халқлари шеърляти ҳам айни шу жараённинг ажралмас халқалари десак асло муболаға бўлмайди. Кейинги йилларда давр ва замон ўзгарди. Шеърлятга бўлган муносабат, уларни таҳлилу тадқиқ қилиш мезонлари ҳам турфаланди. Ўтган асрнинг элликинчи йилларида кўплаб қаламга олинган мавзу – иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги халқ ҳаётининг шеърлий кайфияти ҳам мазкур масаланинг рангинлашувиға шароит яратди. Жумладан, ўзбек шеърляти ўтган аср ибтидосида майдонга келган мавзу, муаммо, тасвир ва талқинда ҳам жуда кўплаб янгилашилари бошидан ўтказди. Шунингдек қозоқ шеърлятидаги фалсафий-эстетик танлов ҳам ана шу мезонларни янгилашға қаратилди. Жаҳон адабиётининг илғор анъаналарини ўзида акс эттириш, уларни бири-бириға ўтиб туриш манзараларини синтезлаш ҳам масала моҳиятини теран идрок қилишға кенг йўл очди.

Бадий асар (шеър) моҳиятида кўнгил ва руҳ зиддияти, олам ва одам муносабатлари тифизлиги талқин бошқарувини қўлга олди. Айтиш олзимки, мана шу ўзгаришлар натижасида ҳар иккала халқ шеърляти тамомила янгиланди.

Қозоқ шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган Иран Ғайиб ана шундай иждокорлардан бири саналади. Бизда 70-йилларда кириб келган У.Азим, Х.Даврон, Ш.Раҳмон шеърлятидаги услубий-шаклий изланишлар Ғарбу Шарқ анъаналарини изчил давом эттириб, ўзларига янги-янги тасвир усулларини очиб, дунёни бошқача рангларда ифодалай бошладирлар. Қозоқ адабиётида Шўмишбай Сариев, Жаркен Бўдешов, Темирхон Мададбек каби шоирлар бармоқ, сарбаст ўлчовида гўзал асарлар битганлар.

Мавжуд ўсиш ва ўзгаришлар натижасида одамзоднинг эҳтиёж ва майллари, туйғулари ҳам замонға мослашувчанлигини тақозо этмоқда. Бу силсилаларда шоир поэтикасида услубнинг, шаклга, шаклнинг услубға ўтиб туриши: вақт қаршисида синовдан ўтаётган инсон “мен”ини кашф қилиш таомилини биринчи ўринға олиб чиқмоқда:

Ўлмаслик-чун курашаман ўла-ўлгунча,  
Қани ким бор кураша олса худди менча.  
Эмланаман, эмлайман жон ярасин,  
То бўйнимға вақт куруқ илмагунча.  
Мен умр сургим келмас ўлмоқ учун,  
Ибрат бўлиб қолсин, майли, менинг ишим.  
Сутдан ок, қордан оппоқ бўлмоғим шарт  
Қора ернинг остиға кирмоқ учун<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/qozoq-sheriyati/iran-gayib/>

Таниқли қозоқ шоири Иран Ғайиб қаламига мансуб “Мен” номли шеъри шахсининг ўзини англаши, балки дунё ва охират, нафс ва эътиқод, иймон ва тақвонинг ботиний ҳайқирғини ёдимизга солади. Шоирни бу ерда жисмининг биологик ўлими эмас, руҳнинг ўлиши, яшашнинг мантиғини англаб, инсон ўлароқ икки дунёда ҳам эсланишни, яхши ном ва ўзидан ибрат қолдиришга бўлган нажотий туйғуларини ёдимизга солади. Инсонликнинг юки оғир, уни муҳофаза қилиш, уни ўзлик – Аллоҳни танишга томон боришлик йўлларида “ўлмаслик учун курашиш”ни тақозо этмоқда. Икки банддан иборат шоирнинг қалб ҳасратлари дунёга келган инсон яшаши ва унинг мазмуни – руҳнинг абадий тириклиги ҳақида бораётган нозик ва ўткир ҳаётининг сезимлар эканлигини далолатлайди. Шу ўринда жаҳон шеърятидан кириб келган поэтик тартибланштириш композициясини 3 хил йўсинда идроклаш лозим:

### **1. Услубий таъсир. 2. Ҳиссий таъсир. 3. Қиёсий-типологик таъсир.**

Мазкур учлик ҳар бир шоир поэтик оламида турли хил шаклда намоён бўлади. Тўғри, адабий-бадий полотно замзамаларидан ноодатий равишда илҳомланиш мумкин. Бироқ буларнинг ҳеч бирида шоир ўзи уқиб. Ўқиб, ботиний дардига ҳамоҳанг кечинмаларни қабул қилганичалик ўзлаштирилмайди. Ҳис ва ақл бирлиги адабий таъсирланишни янада ўстиради, ривожлантиради. Шоирнинг ижодий кредоси, олам ва одамга муносабати, уни қийнаётган муаммолар сарҳади асл шеърнинг яратилишига катта таъсир кўрсатади.

Бобнинг “*Мавзу муштараклиги ва лирик композиция тадрижи*” деб номланган иккинчи фаслида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди. Ҳар қандай шеърда шоир ўзи англаган ёки англаб етмаган ғояларни ифодалаш мумкин. Бу баъзан руҳий кечинманинг ўзгарувчанлиги билан ўлчанади. Негаки, бугуннинг ижодкор ташқарининг швқин-суронлари ёки қандайдир чақирик, шиорлар билан эмас, тамомила ўзининг кўнгил майилларини ифодалаш йўлидан бормоқда. Эндиликда шеърятнинг моҳиятида образ саналмиш инсоннинг ўз “мен”ининг инкишофи биринчи ўринга чиқмоқда. Эндиликда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шоирлар изланишларида маълум маънода яқка қалб ботинидаги ўсиш-ўзгаришларни талқин қилишга эътиборнинг кучайиши билан ҳам тафовутланмоқда.

Ойдиннисо ўзбек шеърятинида ўзининг хилма-хил кўнгил мавзуларини қуйлаган, улардан янгича ташбеҳлар топган ёш, умидли шоиралардан бири эканлигини эътироф этиш жоиз. Шоира шеърларидаги ўз ички олами, руҳий кечинмалари, изтироблари, қайғулари, талпинган идеаллари ана шу мезонларни жипслаштириш манерасини ҳис қилиш мумкин. Шоира ким ва нима ҳақида сўз юритмасин, у ҳам худди қозоқ шоираси Айгерим Тажи каби кутилмаган жойдан “мен” аталмиш кўнгилга теран назар ташлайди. Ҳар иккала шоира ёш хусусияти жиҳатидан бир-бири билан тенгдир. Улар яшаган давр ва замон эса бадий адабиётнинг чексизлигини, жаҳон адабий анъаналарининг илдизларидан илҳомланганини исботлаб турибди:

Юрагимни юлқиб олиб,

Ўйна, шамол,  
ўйна, шамол!  
Чертиб кўргин,  
отиб кўргин,  
Уйғот! Уйғотиб юбор!

Шеърдаги оҳори тегмаган ташбеҳга эътибор қаратамиз. Лирик қаҳрамоннинг дарди шу қадар улуғки, ҳамма муаммони “юракка” яширади. Шамол образига диққат қаратамиз: “Юрагимни юлқиб олиб...” қўл билан ушлаб бўлмайдиган шамолга нола қиляпти шоира. Юракни юлқиб олиш ва уни ўйнатиш учун бундан ортиқ мардлик керакми? Ғоят мураккаб ва изтиробли ҳаётида юракни “отиб юбориш” учун қандай кучли жасорат керак одамга? Айниқса, юракни уйғотиш билан у ўзлигини танимоқчи. Бундай ноёб ташбеҳларда инсоннинг руҳий уйғониши, ўзлигини англаши, шажарасини таниши, ва, муҳими оламда бўлаётган катта-кичик ишларга бефарқ эмаслигини намоён этмоқдалиги таҳсинга сазовордир:

Кўксим узра пуфла, шамол.  
Пуфла,  
ёнсин учқуни.  
Тортқилагин,  
юлқилагин,  
Тарқаб кетсин тугуни.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: шоир шамолга юракни юлиб олишдан ҳам кўркмайди ва унинг учқунини ўчириш ҳам ўзингга ҳавола? Бу риторик савол шоирани руҳан чиниқиш ҳосил қилганининг исботи эмасми? У шамол олдида шу қадар мунгли ва қайғули саволларни қўядики, фақат у билан сирлашгиси, у билан ҳасратини бўлашгиси келади. Бундай сўз ўйинлари негизда Г.Бегим, Ҳ.Аҳмедова, З.Мирзо каби дилбар ижодкорлар қаторида ўз ботинидаги ҳасратларини табиатга инъом қилаётган масуъам одамнинг қиёфасини кўришимиз мумкин.

Мазкур бобнинг **“Ўзбек ва қозоқ шеърлятида анъана ва образлилик”** учинчи фасли шундай номланган. Унда анъанавийликда кечинма табиати. Биз ҳар қандай вазиятда бадий асарга баҳо беришда ўзидан олдинги анъана (традиция)га суяниб фикр юритамиз. Айниқса, шеърлят руҳ ва кўнгил зиддияти (жамият)дан баҳра олинган кечинма маҳсули бўлгани боис, ҳар бир даврнинг муаммолари нуқтаи назаридан баҳолаймиз. XX аср ўзбек ва қозоқ шеърлятида кўзга кўринган икки қутб: диний-маърифий англаш босқичлари ва шўро сиёсатининг ёлғон шиорлари орасида аросатда қолган шоир “мен”ини англаш билан ўлчанади. Ўзбек шоири Муқимий, қозоқ шоири Абай, қорақалпоқ шоири Бердақнинг ижодига назар ташлаб кўрсак, масала моҳияти янада тиниқлашади. Бу учта шоир яшаган ижтимоий-сиёсий вазият ва давр муаммолари бир хил эди. Мана шу бир хиллик уларни бирлаштирди. Анъанавий тарзда ҳам, олам ва одамни талқин қилиш шартларида ҳам. Эътибор берилса мазкур учлик яшаган давр Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни ишғол қилиш режаси тўлақонли амалга оширилганди. Туркистон

вилояти газетаси (ТВГ)нинг юзага келиши, танқидий тафаккурнинг ижод психологиясига зимдан таъсири, инсоний муносабатларнинг ўзгариши, ижодкор дунёқарашининг кескинлашувига олиб келди. Мана шу психологик таранг вазиятда шоирлар қандай ёндашувни маъқул кўрди? Бу ҳақда куйидаги ижод намуналари мисолида таҳлил қилиб кўрамиз:

Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар,  
Излагани не бўлса – шу топилар.  
Биров овқат олади, биров маржон.  
Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимнинг излаган бир нарсаси бор,  
Чамалаб оқчасига шундан олар.  
Биров уқмас бу сўзни, биров уқар,  
Баҳосин фаҳламай хайрон қолар.

Қозоқ маърифатпарвар шоири Абай талқинида мана шу жиҳат, яъни дунёнинг бозорга айланиши, одамлар руҳиятида кечаётган ҳолатлар ўз аксини топмоқда. Даврнинг бозорга айланиб бориши, одамлардаги сабр-тоқат ва инсоф, иймонга дарз кетиши, фақат одамлар “қорин” ғамидан бошқа нарсани ўйламаслиги ҳақида куйинчаклик билан сўз юритмоқда шоир. “Ҳақиқатдан ҳам, даврнинг уйғоқ шоирлари ижодида ижтимоий дард қоришмаган шеърнинг бўлиши мумкин эмас. Зеро, шоир ўз замонасининг барометри. У имкон топса-топмаса давр муаммолари ҳақида ёзишга мажбур. Ўз ташбеҳ ва метафоралари, қочирим ва кинояларида ифодалаш орқали замонасининг оғрикли муаммоларини ёзиб қолдиришга бурчлидир” . Бинобарин, даврнинг муҳим белгилар шоир ижодида ўз ифодасини топган. Аввал дину диёнат ҳақида қайғурган шоир кейинчалик ҳар икки вазиятни уйғун ҳолатда бағолашга, уларни теран талқин қилишга жиддий эътибор қаратган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Шаклий-услубий яхлитлик такомилда сюжет ва ғоя”** деб номланиб, **“Сюжет ва ғоя бирлигида образлилик”** фаслида Шеърятда шакл билан боғлиқ ҳодисалар ўз-ўзидан тараққий топган эмас. XX асрнинг 60-70 йилларидан кузатилган ижтимоий-маданий алоқалар тиғизлашувида шаклий-услубий изланишлар тамомила янгича қиёфада қад ростлади. Ҳар иккала халқ руҳияти ва уларнинг ижодкорларининг адабий алоқалари ҳам шаклий-услубий изланишлар яхлитлигига катта таъсир кўрсатгани айтиш ҳақиқатдир Фахриёр шеърларида мавҳум тушунчанинг терак идрок қилиб уқилса, катта умумлашма маънолар кашф қилиш мумкин. Шунини қайд этиш лозимки, шоирнинг жуда кўп шеърларида ана шу мезон сақланиб қолган. Натижада ижодкорнинг руҳий кечинмалари катта бир асарга доялик қилгудек сюжетга айланади. Буни қайидаги шеър мисолида аниқлаймиз:

Бахтиёр бўлишим мумкин эмиш,  
Шундай ёзилганмиш пешонамга.  
Лекин мен  
Ўқиёлмадим

ўша ёзувни.  
Кўзгуга қарадим.  
Пешонамга ёзилганлари  
тескари кўринар эди кўзгудан<sup>5</sup> .

Инсон тақдири ёзуқларини ташқаридан эмас, аввало, ичкаридан излайди шоир. Инсоннинг мукамал бир хилқатга кўтарилиши, ўзини шу сафарга тайёрлаши лозим деган хулосага келади. Пешонага ёзилган қисматнинг бахтиёрлик тухфа қилмаганини кўзгу бу оламда шахснинг хатти-харакатларидир. Шоир ҳар на уринмасин, қилаётган барча амалларининг тескарисини кўрмоқда. Мана шу тескари ҳаёт шоирни руҳониятини баланд кўтаришга – анча масофа борлигини уқтирмоқда. Ёзувни ўқий олмасликни тан олишлик – Аллоҳнинг измидаги ҳар бир олаётган нафас деб билади. Кўҳна сўз ва кўҳна туйғуларда янграган илоҳий овоз шоир наздида янгидир. У ботинидаги Ҳақ талолга бўлган улкан муҳаббатни – пешона ёзуғи деб билади. Демак, шоир мана шу шеърда бир инсон тақдирига дохил кечмишларни ҳаётий хулосалар билан тўлдиришга интилади. Шеърнинг поэтик сюжети эса ғояни қуюқлаштиради. Мақсад – ўзликни янада нглаш, илм ва тафаккурнинг ҳали муродга олиб борувчи кучи заифлигидан азият чекади. Айни шу тариқа ўзини таҳлилу тафтиш қилишни бош мезон деб билади. Шоир атроф жавонибдаги ҳар қандай воқеликка безовта ва қуюнчак бир алфозда ёндошади. Айни шу жиҳатлар шеърнинг умумий манзарасини кашф қилишга кенг йўл очади. Халқчиллик ва образлилик уйғунлашуви. XX аср ўзбек шеърининг давомий ворислари яратган кўпгина асарлада – халқчиллик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Халқчиллик азал-азалдан қондош ва ўзаро оға-ини бўлиб яшаётган, бир макон, бир ҳудуд руҳиятида жилваланишини унутмаслигимиз лозим. Айни шу мезон табиатида юқоридаги анъанани кўрамиз. Бу анъана негизида туркий халқларнинг руҳи, фикрлаш тарзи, олам ва одамни ҳис қилиш манераси яқдил эканлигини ҳам унутмаймиз. Мана шу баҳолаш мезонлари табиатида халқчилликнинг асосий ўрин тутишига ҳам ўзимизда ишонч ҳосил қиламиз. “Халқчиллик бадийлик билан чамбарчас боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради ва асарда бир бутунликни ташкил этади. Халқчиллик турли даврларда турли хилда кўриниши ва амалга оширилиши мумкин. Эпик шеърят намуналари ўз манбаи, ривожланиш йўллари, ундаги халқчилик ва унинг ривожлана бориш қонуниятини тарихий шароит билан боғланган ҳолда ўрганишни талаб этади”, - дея ёзади Х.Расулев. ҳақиқатдан ҳам, эпик шеърятнинг асоси халқчиллик бўладиган бўлса, кейинчалик эпик шеърятдан озикланган бармоқ вазнидаги турли хил шаклларда ҳам бу хусусият қайсидир маънода ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки ўзбек ва қозоқ шеърятидаги ижтимоий-руҳий кайфият асрлар давомида ёнма-ён ҳолда тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтамоқда.

Бобнинг иккинчи фасли “**Лирикада мотив ва поэтик услуб тадрижи**” деб номланиб унда “Замонавий ўзбек шеърятида шакл ва мазмун бирлиги

<sup>5</sup> Фахриёр. Дарднинг шакли. –Т., Ёзувчи. 1997. –Б.17.

масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Чунки шоирларимиз томонидан олиб борилаётган шаклий-услубий ва мазмуний ўзгаришлар бугунги шеърятимиздаги субъектив олам тасвирини тубдан ўзгартирди. Лирик кечинманинг ифодасида топохронос имкониятларидан фойдаланиш кучайди. Буни шоирлар дунёқарашининг шартли акси деб қараш мумкин”, - дея ёзади доц. Қ.Йўлчиев. Ҳақиқатдан ҳам, мана шу идрок қилинаётган кўзга юклатилаётган маъно – куёш каби нур сочувчи, ижодкорга олам-олам завқ бериш билан бирга, унга катта бир умид, муҳаббатидан зада бўлган қалбларга таскин улашувчи маъносидан тушунилмоқда. Натижада, шоир ўзининг ҳар бир туйғуларига катта бир фалсафий-эстетик мазмунни юклагани кўриниб турибди. Тўғри, ҳар икки халқнинг забардаст шоир шеърларидаги асл мотивовка, дунёни бадий идрок этишининг бир қисми, холос. Шундай экан, турли хил сўзлар симфонияси уйғунлашиб, кечинма табиатидаги муҳим залворни юзага чиқаришда калит вазифасини ўтамоқдаки, бусиз ҳеч бир нарса ўзининг равишида намоён бўла бошлайди. “Шоир оламни кечинма орқали идрок қила бошлайди. Рухиятда эса кўтаринкилик пайдо бўлади. Бу эса инсонга янги марраларни эгаллашга чексиз қудрат беради. Шундан келиб чиқиб, антик адабиётшуносликда шоирларнинг яратувчилик даражасига эътибор берилганини эслаш лозим.” Натижада, шеърда ғоят бир гўзал кўтаринки пафос юзага чиқяпти. Бундай ҳолатлар қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонда ҳам кўп учрайди. Шунини қайд этиш лозим, ўзбек ва қозоқ шеърятининг мавзу-мундарижасида куйидаги хусусиятлар яққол кўринади:

*1. Шоирлар шаклий-услубий изланишларида поэтик талқиннинг ўзаро яқинлиги;*

*2. Матн таркибида сўз, образ, мотив даражасига олиб чиқилган миллат дарду ташвишлари уйғунлиги;*

*3. Миллий озодлик ва эркинлик учун курашган жаҳид мутафаккирлари издан эргашиши;*

*4. Турк ва Европа шоирларининг шеърларидан адабий таъсирланиш ҳодисаси;*

*5. Халқ оғзаки ижодидаги қўшиқ жанрлардан синтелизация қилишининг ўзига хос талқини кабилардир.*

Бобнинг учинчи фасли “**Лирик композицияда модерн шеър табиати талқини**” деб номланади. Ижод ва илҳом, шеър ва шоирлик, талқин ва тасвир, сюжет ва фабула булар бирлашиб яхлит нуқтада – композицияда маромига етади. Шоир сўз қўллайди, такрорлар, тасвир ва оҳангни қюклаштиради, уларга залворли бир маъно юклайди, уларни сралайди, тартиблаштиради буларнинг барчаси ягона эстетик марказда уюшади. Хўш, композицияси асар бўлиши мумкинми? Модерн шеърятда-чи? Йўқ, ҳар бир асар ўзининг тизилиш сифати ва фалсафий қамров чегарасига эга. Оламдаги ҳар бир ҳодисаларда маъулм бир тартиб бўлганидек, модерн шеърда ҳам маълум бир композицион тамойил мавжуд. Негаки, шеър табиатидаги умумий бир хусусиятни сюжет ва композиция ташкил қилиши мумкин, аммо

модерн шеърнинг табиатида эса бу бошқача шаклда аксланади. Бу ҳақда сўз борганда, У.Ҳамдам куйидаги мулоҳазаларини баён қилади: “Менинг назаримда янги, модерн шеър бу, аввало, бадий тафаккурдаги янгиланишдир. Асло қофиядан, ритмдан онгли равишда воз кечиш эмас. Албатта, ана ўша янгиланган бадий тафаккур маҳсулига янги либос – янги шакл кийдириш агар шоирга муяссар бўлса, нур устига нур. Бўлмаса, бу шоирнинг айби ё камчилиги ҳисобланмаслиги лозим. Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашдаги, оламни идрок этишдаги янгориш билан, бадий тафаккур тарзимиздаги, дидимиздаги янгиланиш билан, демакки, ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўради. Шавкат Раҳмон шеърятини олайлик. У анъана заминида яратилган янги, оригинал шеърятдир. Бу шеърятнинг анъанага яқинлик даражаси анча юксак бўлганидан бир қарашда кўп ҳам оригинал шеърят бўлиб туюлмайдди. Бироқ адабиёт илми, бадиият қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳижжалаб ўрганилганда, Шавкат Раҳмон шеърятининг ўзига хослиги очила боради ва у масалан, салафлар шеърятидан қайси бир жиҳатларига кўра ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ёхуд модернистик шеърятимизнинг йирик вакилларида бири Баҳром Рўзимухаммад ва ёхуд Фахриёр шеърятини биз кўниккан анъанавий лирикадан нисбатан ғоят оригинал кўринмасин, улар ҳам ўз анъанасига эга”<sup>6</sup>. Ҳақиқат шуки, мунаққид У.Ҳамдам фикрларида икки жиҳат қабариб кўринади: биринчидан, анъана ва ноанъана орасидаги чегарани фарқлаб ундан узоқлашмаган ҳолда, аниқлаб, ҳар икки хусусиятнинг ютуқ ва камчиликлариغا кўз юммаслик бўлса, иккинчидан, ҳар икки ҳолатда ҳам ўз табиатини юзага чиқариш йўлидаги уриниш ва изланшиларни эътироф этганлигидадир. Мана шу эътироф замирида ҳақиқий шеърятнинг ютуқ-камчиликларини теран англаш сари йўл очиш мумкин бўлади. Бир қарашда, модерн шеърятнинг яхлит манзараси, поэтик структураси, инсон руҳиятига таъсири, фикр мантиқий тараққиёти кабиларни талқин қилиш масаланинг моҳиятини ойдинлаштиради:

Fas – Рим қонунларининг олий ҳуқуқи.

Fas est – “Ҳамма нарса раво”.

қаҳқаҳа билан

ойналар ичига кирмоқчи осмон.

бўйсунмаган шаҳарлар устига

аскарларни,

беҳисоб ҳуқуқлар билан қуроллантириб:

фас!

Fas – ғажиб ташланг, дунё илкингида турар.

Fas – бошқа ҳаёт ва мулкка очикдир йўллар.

Fas – қаҳр-ғазаб доврўғидан қисилган кўзлар.

Одамийлик шундайми, ахир?!

XX асрда

<sup>6</sup> Ҳамдамов У. Жаҳон адабиёти: Модернизм ва постмодернизм. –Т., Академнашр. 2020. –Б.154.

чакмоқдай ёнди бирдан:  
Римнинг чорраҳаларида  
бемаъни ибора –  
Fas est!<sup>7</sup>

Ҳаётнинг мураккаб зиддиятлари, мана шу модерн шеър моҳиятида шоир ботинида неча минг йиллик антик юнон маданиятидаги босиб ўтилган йўл каби жаранглайди. Бу моҳиятнинг замирида ҳақиқий талантнинг ижодини кўрамиз. XX асрга келиб, ҳамма нарсаларнинг ўзгариши, илм-фанда кечаётган психология, фалсафа ва этика, эстетиканинг бир-бирига уйғунлашиб, яхлит организм каби бир марказда уюшуви юқоридаги шеър тимсолида ойдинлашади.

